Темур УБАЙДУЛЛО

# СОҲИБҚИРОННОМА

(Охири. Боши газетанинг ўтган сонларида).



## МЎМИН МИРЗО ҚИССАСИ

Ёз фасли майсага қўнганми қиров?
Бузрук янтоқ кавшар, сув ичар бедов
Ҳар ким аравасин тортса қандай соз,
Бировнинг юкини кўтармас биров.

Яхшилар яхшилик ғамини ейди,
Доимо яхши кун, яхши тун қайда!
Ўзга омадига ҳасад-ла боқиб,
Ёмонлар ҳар жойда ёмонлик дейди.

Гоҳида ёқамни ушлаб қоламан,
Ҳайрат бармоғимни тишлаб қоламан.
Бўғзимга тиқилиб келади жоним,
Хўрликдан кўзимни ёшлаб қоламан.

Улуғбек яшайди осмонда танҳо,
Падаркуш ўғлининг юзлари қаро.
Сени қатл этишга берганда фармон,
Наҳот йўламади бобонг Бойқаро?

Биров нур улашиб тарих битадур,
Биров кул қидириб тарих титадур.
Муаррих эмасман, айтаман бўзлаб,
Мўмин Мирзо, умринг нега биттадур?

Шу бир умринг мулки Турон эдику,
Ўлимга чап берсанг осон эдику?!
Темурий давлатин сўнгги устуни,
Кўзда ёшим ахир борон этдингку!

Ғаддорлик, бесарлик дилимни эзди,
Ўша кун Ҳиротда балолар кезди.
Бошингда қонсираб ўйнаган қилич,
Бобонг салтанатин томирин узди.

Сендан эди умид, эй Мўмин Мирзо,
Сен ёруғ юлдузни йўқотди само.
Оқар дарё бирдан кувради-қолди,
Тож қолди, бош эса кетди беризо.

Кўзин тиккан эди Алишер ёниб,
Сенда Темур шаҳдин кўргач қувониб.
Пойингда қул каби юрган фитнагар,
Наҳот бош кўтарди қулликдан тониб?!

Мўмин Мирзо, Хуросоннинг гули эдинг,
Темур гулзорининг булбули эдинг.
Нетайким ақлимас, тиши ўткирлар,
Сендайин навраста султонни еди.

Ҳаётим йилларнинг чўғин титадир,
Яхшиларни доим йиллар йитадир.
Қон йиғлаб зорини айтаман, оға,
Нега Мўмин Мирзо умринг биттадир?

Умр берганида бир жуфт худойим,
Тожпараст кимсага кулиб мулойим,
Бир жонингни айлаб уларга инъом,
Иккинчи умрингни яшардинг қоим.

Салтанат тахтига ўтирар эдинг,
Темурдек юрт шонин кўтарар эдинг.
Қиличу меҳр билан яралган элни,
Гулдайин авайлаб ўстирар эдинг.

Ҳайронман дунёнинг аъмолига ҳам,
Бир яхши — бир ёмон тимсолига ҳам.
Ёраб, дўст берибди йиртқич йўлбарсга,
Душман ато этиб чумолига ҳам.

Чивиннинг ўрни бор ахир ҳаётда,
Қуш бўлмас ажраса қушлар қанотдан.
Мўмин Мирзо кетди, аҳли Туркистон,
Жудо бўлди тенгсиз буюк бир зотдан.

Беш аср йиғлайди ахир Туркистон,
Мўмин Мирзо номин айлайди достон:
«Қани қилич тутган ёвуз ниятли
Қўли қон, кўзи қон, баттол беиймон?!»

Тўкилган бир томчи қоннинг уволи,
Тутиб яқин бўлди унинг заволи.
Қотилни маҳв этиб, лаънат ёғдириб,
Турон узра эсар йиллар шамоли.

Дунёга келмоқнинг сабаби бисёр,
Биров кўнгил хуши, биров вафодор.
Дунёдан кетмоққа биттадир сабаб,
Эшиги биттадир чап бермоқ душвор.

Иккита бўлсайди шу эшик лоақал,
Қўшдарё тақдири бўларди асал.
Бошқанинг бошини узарди балки,
Қиличнинг тиғида ўйнаган ажал.

Хаёлим йилларнинг чангин артадир,
Хиёнат комига мудом тортадир.
Нечун дов-дарахтлар юз бор яшагай
Нега, Мўмин Мирзо, умринг биттадир?!

Шул битта умринг ҳам нурдек жайнади,
Покиза, маъсумсан дилим қувнайди.
Бойқаро йиғласа бошига уриб,
Бадиузамон гирён нени ўйлайди?!

Жонга жон деса у падар бир ёнда,
Ўч ҳисси қайнайди валекин қонда.
Бир—ўч, бири—авф, икки уфқ бор,
Бири шайтон амри, бири иймондан.

Мўмин Мирзо руҳи учгил тинмасдан,
Садо бер, садо бер қудурат унмасдан,
Садо бер: ёмондан бўлинглар огоҳ,
Кўзларга ғофиллик чанги инмасдан.

Садо бер: икки дўст ўртасида бор,
Разолат тухмини сочгувчи ғаддор.
Бир нокас, пожинснинг макрига учиб,
Тиғларни қинидан чиқарманг зинҳор.

Садо бер: гўдаклар тилаги нозир,
Улғайсин ҳар бобда мукаммал, ҳозир.
Аллоҳга аёндир: улғайган чоғда,
Кими чўпон бўлар, кимиси Ҳизир.

Садо бер: Жаҳонгир нени истади,
Не учун Турон деб бедов қистади.
Садо бер: ҳеч бошга тушмасин иллоҳ,
Ёраб, қайтиб Мўмин Мирзо қисмати.

Мен эса бағримни тиғлаб ўтайин,
Сен ҳақингда маҳзун қисса битайин
Мўмин Мирзо, қиссанг энг дардли эрур,
Умринг битта бўлса, оға, нетайин!

## ИФТИХОР ҚИССАСИ

Йилларнинг қаъридан омон чиқолган,
Истибдод тахтини енгиб йиқолган.
Истиқлол машъалин гурлаб ёқолган,
Боши осмон бўлсин бугун ўзбекнинг,
Донғи карвон бўлсин бугун ўзбекнинг!

Ўтмиши минг ибрат дарси бўлажак,
Истиқболи унинг яшнаб кулажак.
Бағрини очади гулгун келажак,
Рамзи виждон бўлсин бугун ўзбекнинг,
Дасти иймон бўлсин бугун ўзбекнинг!

Пири комил зоти унга жиловдор,
Торобий, Муқанна, Номоз яловдор.
Қайда пок ниятлар — шунда ўзбек бор,
Қаҳри қалқон бўлсин бугун ўзбекнинг,
Меҳри уммон бўлсин бугун ўзбекнинг!

Кетмони — қаламу, тери — довоти,
Тупроғи — тўтиё, суви — новвоти.
Ўрхун ёзувлари — илк кашфиёти,
Сўзи достон бўлсин бугун ўзбекнинг,
Изи бўстон бўлсин бугун ўзбекнинг!

Ёмонлар заҳрини меҳри тузатган,
Ҳатто душманини ош-ла кузатган
Қаерда муҳтож бор — қўлин узатган,
Манглайи оқ бўлсин бугун ўзбекнинг,
Қалби булоқ бўлсин бугун ўзбекнинг!

Расулуллоҳ қилган дуоси билан
Беруний таратган зиёси билан,
Жон табиби — ибн Синоси билан.
Қадди баланд бўлсин бугун ўзбекнинг,
Жисми пайванд бўлсин бугун ўзбекнинг!

Амир Темур отлиқ бобоси билан,
Марварид яратган навоси билан.
Интизор Бобурий Мирзоси билан.
Насли улуғ бўлсин бугун ўзбекнинг,
Ризқи тўлуғ бўлсин бугун ўзбекнинг!

Навоий ғазали доим ёр бўлиб,
Беҳзоднинг қалами сеҳргар бўлиб,
Ҳарифига олам тангу тор бўлиб.
Овози янграсин бугун ўзбекнинг
Шўх сўзи янграсин бугун ўзбекнинг!

Улуғбек кашф этган юлдузи билан,
Азалий Меҳржон, Наврўзи билан.
Сайқали Самарқанд — ёлғизи билан,
Бўй берсин ибрати бугун ўзбекнинг,
Ортсин шон-шуҳрати бугун ўзбекнинг!

Ойбекнинг ойдайин каломи билан,
Шарқ юлдузи Ғафур Ғуломи билан,
Эркин, Абдулланинг саломи билан,
Обрўси минг бўлсин бугун ўзбекнинг,
Тиллога тенг бўлсин бугун ўзбекнинг!

Айтсак таърифини йиллар етмагай,
Ишқин ардоқлашга диллар етмагай.
Қучмоққа меҳр ила қўллар етмагай,
Насиби бут бўлсин бугун ўзбекнинг,
Барака қут бўлсин бугун ўзбекнинг!

Ҳали айтилажак хитоблари кўп,
Ҳали битилажак китоблари кўп,
Ҳали шижоати, шитоблари кўп
Оти учқур бўлсин бугун ўзбекнинг,
Зоти ёвқур бўлсин бугун ўзбекнинг!

Ўргилиб қучаман она тупроғим,
Эй жоним, жаҳоним, кўзи қароғим,
Муҳаббатинг эрур шамшир — яроғим,
Бағри қайноқ бўлсин бугун ўзбекнинг,
Номи байроқ бўлсин бугун ўзбекнинг!

Пешонасин доим ўпсин ой, қуёш
Ул чашми қароғи билмасин кўз ёш,
Дўстлари кўп бўлсин, ғаними — одош,
Дасти дароз бўлсин бугун ўзбекнинг,
Кулфати оз бўлсин бугун ўзбекнинг!

Тўрт фасли ҳалимдек бўлсин мулойим,
Иймон-эътиқоди қўлласин доим,
Исломин асрасин, омин, худойим,
Эртаси нур бўлсин бугун ўзбекнинг,
Эртаси ҳур бўлсин бугун ўзбекнинг!

Истиқлол нашъасин гаштини суриб,
Қанча яхшилик бор — барини кўриб,
Сўрайман тангридан саҳарда туриб —
Қалбимга солмишдир бул сўзни Аллоҳ,
Шу чун рақам этди Темур Убайдуллоҳ —
Бир фарзанд сингари сўрмай нетайин,
Фарзандлар туғилса — ҳар бири тайин,
Бир ғазалхон бўлсин бугун ўзбекнинг,
Соҳибқирон бўлсин бугун ўзбекнинг!

1995 — 1996 йиллар.

## ШИНГИЛ ТАБАССУМ

Бир киши иккинчи кишига деди:
— Мен шу ердаги дарёда бегемотни кўрдим.
Иккинчи киши:
— Сув жуда тоза ва зилол бўлгани учун у ерда ўз аксингни кўргандирсан.

***

— Тез чопадиган, хотинингни тепган ўша отингни менга сотасанми?
— Йўқ, от умуман сотилмайди.
— Нега?
— Шунинг учунки, яна уйланмоқчиман.

***

Йўловчи: — Хоним, итингиз оёғимни тишлаб олди.
Хоним: — Вой, яхши айтдингиз. Уйга боргандан кейин итимнинг оғзини яхшилаб ювиб қўяман.

***

Муаллим: Баҳром, феълнинг неча тури бор?
Баҳром: Уч тури бор, устоз.
Муаллим: Қани, бир бошдан санаб берчи?!
Баҳром: Ўтган замон, ҳозирги замон, хизмат замон!

***

Қози: Сиз уни бир мушт билан қандай ўлдирдингиз?
Жиноятчи: Рухсат берсангиз, уни қандай ўлдирганимни сизда кўрсатардим.

Форсийдан
Баҳриддин ТУРҒУНОВ
таржимаси.




# ОҚ ЙЎЛ, БЕШИНЧИ МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТ!



*Эртага мамлакатимизнинг саккиз шаҳрида Ўзбекистон биринчилиги байроғи кўтарилади*



Футбол ишқибозлари бу йилги чемпионат ўйинларини ҳар қачонгига қараганда интизорлик билан кутишди. Сабаби, футбол федерациямиз мусобақаларни бир ой кечикиб— мамлакатимиз ўйингоҳларининг халқаро талаблар даражасида қайта таъмирлангунча бошлашга қарор қилганди.

Умуман олганда, 1996 йил мамлакатимиз футболини юксалтириш, унинг нуфузини кўтариш каби долзарб масалаларни ҳал этиш билан бошланди. Вазирлар Маҳкамасининг 4 январдаги йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов футболимизнинг айни пайтдаги аҳволига танқидий баҳо берди. Футбол соғлом авлодни тарбиялаш, халқнинг руҳини кўтариш, ёшларни тарбиялашда жуда катта ўрин тутишини таъкидлаб, бу соҳада юраги юртим деб жизиллайдиган, иймони мустаҳкам одамлар шуғулланиши кераклигини қайд этди. Футболнинг, қолаверса спортнинг мамлакат обрўсини дунё ҳамжамиятида кўтаришдаги беқиёс эканлиги, шу боисдан ҳам футболимизни янги босқичларга олиб чиқиш йўлида оддий меҳнаткашдан тортиб юқори лавозимдаги раҳбарларгача барчамиз бирдек масъул эканлигимизни уқтирди.

Орадан бир неча кун ўтгач Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори қабул қилинди. Унда мамлакатимиз футболини ривожлантириш янгича асосда, жаҳон тажрибаларига таянган ҳолда клублар фаолиятини яхшилаш билан олиб борилажаги кўрсатилди. Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, республика футбол федерацияси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Адлия вазирлигига футбол клуби тўғрисидаги намунавий низомни ишлаб чиқиш ва уни амалга жорий этиш тўғрисида кўрсатма берилди.

Ушбу қарорга асосан мамлакатимизнинг бош ўйингоҳи «Пахтакор» стадиони, вилоятлар марказларидаги стадионларни халқаро талаблар асосида таъмирлаш учун ҳукуматимиз катта миқдорда маблағ ажратди. Бугунги кунга келиб республикамиздаги деярли барча ўйингоҳлар мавсумга шай қилиб қўйилди. Бу ишларнинг ўз вақтида бажарилишини Президент девони, Вазирлар Маҳкамаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, футбол федерациямиз ишчи гуруҳларидан иборат тафтиш комиссиялари назорат қилиб туришди. Футболнинг аввало халқимиз руҳини кўтариши, маданий ҳордиқ чиқариши учун эканлиги ҳамманинг диққат марказида турди. Шу боисдан ҳам стадионларда томошабинлар ўриндиқларини яхшилаб таъмирлаш, учрашувлар чоғида уларга малакали хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Бу йилги мусобақа тартибига ҳам бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Янги Низомга мувофиқ командалар энди олий лигада тўп сурган учтадан ортиқ фуболчини клубларига таклиф этишолмайди. Бу эса маҳаллий ҳокимият органлари ва спорт раҳбарларининг ўз вазифаларига нисбатан масъулиятини оширади. Энди мураббий ҳам, раҳбар ҳам командасига футболчиларни четдан чақирмай, аввало ўзидаги истеъдодларни тарбиялашга катта аҳамият бериши лозим. Натижада жойларда болалар ва ўсмирлар футболига эътибор кучаяди. Мамлакатимиз командалари, терма жамоаларимиз ўзига хос истеъдодлар билан бойийди. «Учар» футболчиларнинг пайи қирқилди.

Биринчи лига ўйинлари тартиби ҳам ўзгарди. Бу йилдан бошлаб бу лига ўйинлари икки даврадан иборат ўтказилади. Биринчи лигада 27 жамоа қатнашиши кўзда тутилмоқда. Албатта жамоаларнинг сони кўплиги ташкилотчиларга бироз қийинчиликлар туғдиради. Аммо бу вақтинчалик ҳол. Бу йилги мавсумдан сўнг биринчи лигани олти аутсайдер тарк этади. Уларнинг ўринларини эса иккинчи лига ўтиш мусобақасида дастлабки уч ўринни эгаллаган жамоалар эгаллашади. Бошқача айтганда биринчи лига жамоалари сони 24 тага қисқаради.

## ЮКСАЛИШ ОНИДИР ЎЗБЕК ФУТБОЛИН!

Бу йил федерациямиз футболимиз нуфузини ошириш йўлида тинимсиз изланмоқда. Жумладан, «Пахтакор»—79" хотира турнири ҳар йили мавсумга кўрик сифатида ўтказиларди. Натижада жамоаларнинг футболимиз фахри бўлган марҳум пахтакорчилар хотирасига нисбатан ҳурматлари сусаяётганди. Буни қўрқмасдан айтишимиз, тан олишимиз керак. Вазиятни тўғри баҳолаган федерация раҳбарлари «Пахтакор—79» хотира турнирини бу йилдан эътиборан август ойида қисқа муддатда ўтказишга аҳд қилди. Келажакда бу турнирнинг нуфузини ошириш, унда хориж жамоаларининг иштирок этиши ҳам кўзда тутилмоқда.

Тошкент шаҳри жамоалари янги мавсумга қандай тайёргарлик кўрмоқда? Бу савол ҳар бир ҳамшаҳримизни қизиқтириши табиий. Ўтган йили мамлакат чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган, кубок мусобақаси финалчиси МҲСК жамоасини бу йил майдонга янги мураббий Григорий Семенович Цейтлин бошлаб тушади. Ўйинчилар сафида ҳам бир қатор ўзгаришлар бор. Жумладан, дарвозабон Олег Беляков «Навбаҳор» га ўтиб кетди. Хизмат муддатини тугатган Зинур Зиганшин «Нефтчи» да ўйнашни ихтиёр этди.

Нуъмон Ҳасановнинг ҳам фарғоналиклар сафига қўшилиши кутилмоқда. МҲСК таркиби эса қатор истеъдодли ўйинчилар ҳисобига бойиди. «Сўғдиёна»дан Даврон Файзиев, «Янгиер»дан Шуҳрат Ярашев, АСК дан Равшан Дўрмонов, «Чилонзор»дан Отабек Досумов командага таклиф этилди. Ўтган йили Малайзияда тўп сурган Рустам Абдуллаев армиячилар сафига келиб қўшилди. Қўшни мамлакатлардан ҳам икки-уч ўйинчи МҲСК га жалб этилган.

«Пахтакор»да эса йўқотиш кўпроқ. Жамоа мураббийи Аҳрол Иноятов командани тарк этди. Унинг ўрнига Александр Иванков ҳамда Ислом Аҳмедовлар таклиф этилди. Жамоанинг тажрибали ҳимоячиси Александр Тихонов фаолиятини тугатиб, катта футбол билан хайрлашди. Иқтидорли ярим ҳимоячи Абдуқаҳҳор Маъруфалиев «Навбаҳор» таркибига ўтиб кетди. Командада асосан ўтган йилги футболчилар тўп суришади. Янги ўйинчилардан собиқ истиқлолчи Андрей Акопянцнинг «Пахтакор»га келиб қўшилганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Яна бир ярим ҳимоячи Илҳом Шариповнинг командадан кетиш-кетмаслиги ҳали узил-кесил ҳал этилгани йўқ.

Шаҳримизнинг учинчи жамоаси — «Трактор» ҳам янги мавсумда кучлилар сафига кириш учун ҳаракат қилади. Команда ўйини шаклланиб, анча кучайганлигига кубок баҳсларидаги тракторчиларнинг натижалари кафолат бериб турибди. Жамоа Борис Баканов, Равшан Ҳайдаров, Олег Тюлькин, Владимир Веселовский, Юрий Қосимов, Дмитрий Полянцев, Юрий Шейкин каби тажрибали ўйинчилари билан хайрлашди. Уларнинг ўринлари истеъдодли ўйинчилар билан тўлдирилди.

Бу мавсумда футбол ишқибозларини яна қандай муҳим воқеалар кутиб турибди? Аввало, миллий терма командамизнинг қитъа чемпионатининг саралаш учрашувларида қатнашишини алоҳида кўрсатмоқчи эдик. Аввалига гуруҳ ўйинларининг бошланиши 14 апрелдан кутилганди. Бироқ маълум сабабларга кўра Бахрейн терма командаси мусобақада қатнашишдан бош тортди. Энди футболчиларимизнинг Тожикистон терма командаси билан икки учрашувидан сўнг Осиё чемпионати финал қисмига борувчи жамоа аниқланади. Бу жуда оғир ва масъулиятли вазифа. Чунки, ҳар қандай жамоа битта рақибига нисбатан жиддий тайёрлана олади. Бунинг устига қўшниларимиз ҳам бизнинг кучимизни яхши билишади, футболчиларимизнинг нималарга қодир эканликлари уларга сир эмас. Ўз навбатида биз ҳам «Помир» командасининг собиқ ўйинчилари тажрибаси катта эканлигини яхши тушунамиз. Шунинг учун тожикистонликлар билан учрашувлар қизиқарли ва муросасиз ўтиши кутилмоқда.

Ўсмирлар, ёшлар терма командаларимиз ҳам қитъа биринчилигининг саралаш учрашувларида қатнашишади. «Нефтчи» Осиё чемпионлари кубогида, «Навбаҳор» кубок эгалари кубогида мамлакатимиз шарафини ҳимоя этади. Мустақиллигимизнинг 5 йиллиги нишонланадиган тантанали кунларда эса ишқибозларимиз афсонавий Англия футболчиларини кўриш бахтига муяссар бўлишади. Гап шундаки, бундан 30 йил муқаддам жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Англия терма командаси ўша таркиби билан Ўзбекистонга ташриф буюришга ва мамлакатимиз фахрийлар терма командаси билан ўртоқлик учрашувида куч синашга қарор қилган.

Хуллас, мавсум бир ойга кечикиб бошланаётган бўлса-да, бундан буёғига ишқибозлар учун тиним, ҳаловат бўлмайди. Мамлакат чемпионати, биринчилиги, кубок ўйинлари, саралаш турнирлари, хотира турнири, ўртоқлик учрашувлари...

Оқ йўл, V миллий чемпионат!

Комилжон ЖУМАЕВ.

*Сўз — ишқибозларга*

## ЧИРОЙЛИ ЎЙИНЛАРНИ КУТЯПМИЗ

**Достон ИСЛОМОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, ТошДУ талабалари:**

— Биз турли вилоятлардан келганмиз. Футбол мавсуми бошлангач, ҳар шанба куни ҳаммамиз «Пахтакор» марказий стадионида бўламиз. Агар «Пахтакор» сафарда бўлса, барибир. МҲСК ёки «Трактор»нинг майдонида албатта ўйин бўлади. Пойтахтдан 3 та жамоанинг олий лигада қатнашаётганлиги қувонарли ҳол. Қолган вилоятлардаги футболчилар ҳам шундай натижага интилсалар, жуда зўр бўларди. Қайси жамоанинг мухлисисизлар, дейсизми? Биз учун жамоанинг фарқи йўқ. Фақат чиройли ўйин бўлса бас. Стадионга шунинг учун борамиз.

**Матниёз ҚАДАМБОЕВ, урганчлик тижоратчи:**

— Биласизми, Хоразмда бир ойдан ортиқ туролмайман. Сабаби — тожирлик ишлари билан тез-тез Россия, Германия, Арабистон, Туркия томонларга боришга тўғри келади. Қаерда бўлсам, ўша жойлардаги футбол жамоаларининг ўйинларини албатта томоша қиламан. Бу жуда қулай имконият. Аммо миллий чемпионатнинг бирор тур ўйинлари натижаларини эшитмасам барибир кўнгил жойига тушмайди. Мен «Пахтакор»нинг мухлисиман. Севимли «Пахтакор»чиларимиз қаерда ўйнамасинлар, барча имкониятларимни ишга солиб, ўша жойга етиб боришга ҳаракат қиламан. Масалан, ўтган йили ҳар гал самолётга 750 сўмдан билет олиб, Хоразмдан Тошкентга фақатгина «Пахтакор»нинг ўйинини кўриш учун кўп маротаба келдим. Агар кўнглимдагидек футболни кўрсам, йўл харажатларига сира ачинмайман.

**Засим СОКОЛОВ, суратқаш:**

— Шундай футбол ишқибозлари борки, севимли футболчиларини ҳатто юзини кўрмасдан, гавда тузилиши, бўй-бастидан ҳам танийдилар. Бундай кишиларга чиройли футбол лаҳзалари туширилган суратлар энг яхши совға бўлади. Шунинг учун фотоаппаратларни шай қилиб қўйдим. Ўзим истеъфодаги ҳарбийман. МҲСКга ишқибозлик қиламан.

**Ҳотам РАҲМАТОВ, спортчи:**

— Қайси жамоа яхши ўйнаса — мен ўшанга тарафкашлик қиламан. Футбол кўришдан мақсадим — чиройли ўйин, голларни кўриб, ҳордиқ чиқаришдир.

**Илҳом САФАРОВ, Ғайрат СУЛТОНОВ, Тошкент трактор заводи ишчилари:**

— Футболга берилаётган юксак эътибордан биз ишқибозлар ҳам жуда мамнунмиз. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг яқинда футбол тўғрисида қабул қилган қароридан сўнг корхонамизнинг «Трактор» футбол клубида, шунингдек, стадионимизда ҳам бирмунча ўзгаришларни кўряпмиз. Оддий бир завод жамоасининг олий лигада тўп сураётгани таҳсинга лойиқ. Биз билан ишловчи Наби исмли дўстимиз «Трактор»нинг ёшлар жамоасида тўп суради. Мақсади усталар жамоаси сафидан жой олиш. Ҳозир футболга эътибор кучли бўляпти. Агар ўзи устида яхшилаб ишласа, мақсадига эришади, деб ўйлаймиз.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

